Дори-дармон ва тиббиёт буюмларини етказиб бериш буйича

**ШАРТНОМА № 21**

**Наманган шахри** «24» январ 2022 йил

**«Наманган Дори-Дармон» АЖ,** бундан буён «Ижрочи» деб аталувчи номидан **бошқарув раиси Косимов Р.Х.** бир томондан, Наманган туман тиб. бирлашмаси бундан буён «Буюртмачи» деб аталувчи номидан Р.И. Тошир иккинчи томондан,қуйидагилар тугрисида ушбу шартномани туздилар:

## 1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

**1.1.** «Ижрочи» ушбу шартномага асосан «Буюртмачи»га узаро келишилган миқдорда ва муддатларда шартноманинг умумий қийматидан ошмаган суммадаги дори-дармон ва тиббий махсулотларини етказиб беради, «Буюртмачи» етказиб берилган дори-дармонларни кабул килиб олиб, тулов хужжатларини амалдаги қонунчилик талабларига мувофиқ расмийлаштиради. Дори-дармон ва тиббий махсулотларнинг номи, миқдори, қиймати, етказиб бериш муддатлари ва бошқа тегишли маълумотлар шартномага 1-илова (спецификация)га мувофик қабул килинади. «Буюртмачи» тақдим этган тулов хужжатларига асосан белгиланган тулов кетма-кетлигига риоя килган холда «Буюртмачи»нинг харажатлар сметасида кузда тутилган маблаглар доирасида белгиланган тартибда худудий газна хисоб-рақамидан туловларни амалга оширади.

## 2. ДОРИ-ДАРМОН МАХСУЛОТИНИНГ СИФАТИ

**2.1.** Етказиб бериладиган дори-дармон махсулотининг сифати Узбекистан Республикасининг амалдаги қонунчиликка асосан етказиб бериладиган товар ва моддий-кийматликлар учун белгиланган ГОСТ ва бошқа меъёрларга мувофиқ бўлган сертификати ёки тахлил (текшириш) баёни билан тасдикланиши шарт;

2.2. «Ижрочи» «Буюртмачи»га дори-дармон махсулоти билан бирга мувофиқлик сертификати нусхаси тақдим этади.

## 3. ТОМОНЛАРНИНГ ХУКУК ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ:

**«Сотувчи»нинг мажбуриятлари:**

3.1. «Сотувчи» етказиб бериладиган дори-дармон махсулот сифатини Узбекистон Республикасининг амалдаги меъёрларга мувофик булишини хамда тегишли сифат сертификати ёки тахлил (текшириш) баёнига эга булишини ва узаро келишилган миқдорда булишини таъминлайди;

3.2. «Харидор»га дори дармон махсулотларини етказиб бериш вактида аникланган камчиликларни «Харидор талабига мувофик 3 кунлик муддатда бартараф этади.

**3.3.** Дори-дармон махсулотларини қабул килиб олиш вақтида аниқланган камчиликларни, яъни шартноманинг 5.4 бандига мувофиқ расмийлаштирилган камчиликларни, «Буюртмачи» расмий ёзма талабига мувофиқ 7 кунлик муддатда бартараф этади.

**«Харидор»нинг мажбуриятлари:**

3.4. Уз талабномаси буйича етказиб берилган дори-дармон махсулотларини мазкур шартномага ва иловага мувофик қабул қилиш;

3.5. Дори-дармон махсулотларини мазкур шартноманинг келишувларида кўрсатилган нарх буйича белгиланган муддатларда узил-кесил хисоб-китобни амалга ошириш учун тегишли газна муассасига хужжатларни такдим этиш;

## 4. ШАРТНОМАНИНГ БАХОСИ ВА ХИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ

4.1.Мазкур шартноманинг умумий қиймати 1573564,00 (бир миллион беш юз етмиш у... ) сумни ташкил этади.

4.2. «Ижрочи» билан «Буюртмачи» ўртасида хар ойнинг бошида «Буюртмачи»нинг ёзма талабномасидан келиб чиқиб, етказиб бериладиган дори-дармон махсулотларининг миқдори ва нархини кушимча шартнома имзолаб, мухр билан тасдикланади хамда ушбу кушимча шартнома мазкур шартноманинг узвий қисми хисобланади;

4.3. «Буюртмачи» тегишли даврда оладиган дори-дармонлар ва тиббиёт буюмлари учун 30 фоиз аванс туловини олдиндан «Ижрочи» хисоб-рақамига утказиб, колган 70 % ни хисоб-фактура тақдим этилгандан сунг 90-кун ичида хисоб-китоб килиши лозим;

4.4. «Ижрочи» тегишли даврда томонларнинг узаро шартнома ва иловасига мувофиқ белгиланган миқдорда ва муддатларда дори-дармон махсулотлари ва тиббиёт буюмларини олиб кетиш учун тайерлаб беради. «Буюртмачи» тайёр дори-дармон махсулотлари ва тиббиёт буюмларини узига тегишли транспорт воситасида олиб кетади.

4.5. «Буюртмачи» етказиб берилган дори-дармон махсулотлари учун «Ижрочи» тақдим этган хужжатларга асосан узил-кесил хисоб-китобни узаро келишилган шартномада белгиланган муддатларда «Ижрочи» хисоб-рақамига пул утказиш йўли билан амалга оширади;

## 5. ШАРТНОМАНИНГ БАЖАРИЛИШИ

**5.1.** Шартнома мазкур шартнома ва конун хужжатлари шартлари хамда талабларига мувофиқ зарур тарзда бажарилиши керак. Агар томонлар уз зиммаларига кабул килинган барча мажбуриятлар бажарилишини таъминласа, шартнома бажарилган деб хисобланади;

5.2. Шартнома бажарилишни бир томонлама рад этишга ёки шартнома шартларини бир томонлама узгартиришга йўл куйилмайди. Шартнома бажарилиши рад этилиши ёки шартнома шартлари, бандлари тарафларнинг узаро икки томонлама келишувига мувофиқ расмий тартибда имзоланиб, мухр билан тасдикланган сунг узгартирилиши мумкин.

5.3. Дори-дармон махсулотлари ва тиббиёт буюмларини илова буйича тулик, 100 % қабул килиш-топшириш далолатномалари тузилган сана шартномалар буйича мажбуриятлар бажарилган сана хисобланади. Шартномага мувофик олинган дори-дармон махсулотлари ва тиббий буюмлар учун туловлар тулик кийматда, 100 %, Ижрочининг хисоб ракамига утказиб берилган сана «Буюртмачи» мажбуриятлари бажарилган сана хисобланади.

5.4 «Ижрочи» томонидан тайёрланиб, «Буюртмачи» томонидан олиб кетилаётган дори-дармон махсулоти ва тиббиёт буюмлари бевосита «Буюртмачи»нинг масъул ходими томонидан далолатнома ёки юк хати буйича қабул килинади. Далолатномада етказиб берилган дори-дармон махсулоти миқдори, уларнинг сифати курсатилади. Агар «Буюртмачи» маъсул ходими, вакили томонидан кабул килиниб, олиб кетилаётган дори-дармон махсулотлари ва тиббиёт буюмлари сифати, сони, миқдори, холати, сакланиши ва бошка хусусиятлари юзасидан эътирозлар мавжуд булиб, камчиликлар аникланган такдирда бевосита кабул килиш жараёнида ушбу холатлар далолатномада акс эттирилиб, тарафларнинг масъул ходимлари томонидан имзоланиб, тасдикланиши шарт. Шартномада белгиланган тартибда ёзма равишда расмийлаштирилиб, аниқланган камчиликлар 3 кунлик иш кунида давомида «Ижрочи» томонидан бартараф этилиши лозим. Тегишли тартибда ёзма равишда расмийлаштирилиб, «Буюртмачи» ёки унинг масъул ходими, вакили томонидан олиб кетилган дори-дармон махсулотлари ва тиббиёт буюмлари «Ижрочи» томонидан кайтариб олинмайди.

## 6. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1. Дори-дармон махсулотларини етказиб бериш кечиктирилган ёки тулик етказиб берилмаган такдирда «Ижрочи» «Буюртмачи»га кечиктирилган хар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тулайди, бирок бунда пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган дори-дармон махсулотлари кийматининг 50 фоизидан ортик булмаслиги керак. Пеня туланиши шартнома мажбуриятларини бузган томонни шартномани зарур тарзда бажаришдан ва дори-дармон махсулоти етказиб бериш муддати кечиктирилиши ёки тулиқ етказиб берилмаслиги туфайли етказилган зарарлар қопланишидан озод этмайди;

6.2. Етказиб берилган дори-дармон махсулоти учун уз вақтида хақ туланмаганда «Буюртмачи» «Ижрочи»га муддати кечиктирилган хар бир кун учун кечиктирилган тулов суммасининг 0,5 фоизи микдорида пеня тулайди, бирок бу кечиктирилган тулов суммасининг 50 фоизидан ортик булмаслиги керак;
6.3. Мазкур шартномада назарда тутилмаган томонларнинг жавобгарлиги чора-тадбирлари хужалик, фукаролик конунчилиги нормаларига мувофик кулланилади.

## 7. НИЗОЛАРНИ ХАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

7.1. Келишмовчиликлар ва низоли масалалар келиб чиккан тақдирда томонлар коидага кура мустакил равишда уларни судгача қонуний хал этиш чораларини курадилар;
7.2. Томонлар келишмовчиликлар ва низоларни хал этиш учун бевосита туманлараро иктисодий судга мурожаат килишга хақлидир.

## 8. ФОРС-МАЖОР

8.1. Форс-мажор холатлар, жумладан ер кимирлаши, сел келиши каби табиий офатлар, шунингдек Узбекистон Республикаси президенти, қонун чикарувчи, ижроия хукумати томонидан янги фармон, конун, карор ва бошка норматив хукукий хужжатларни қабул килиниши натижасида келиб чиқадиган холатларда тарафлар мазкур шартнома ва кушимча келишувлар шартларини бажариш масъулиятини уз зиммаларига олмайдилар.

## 9. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ КИЛИШ МУДДАТИ

9.1. Мазкур шартнома «Харидор» ва етказиб бурувчи томонидан тасдикланиб, «Газначилик» булиммаси руйхатга олингадан сунг кучга киради ва 2022 йил «__31__»__декабрь___га кадар амал килади;
9.2. Томонлар уртасидаги муносабатлар улар томонидан мазкур шартноманинг барча шартлари бажарилган ва хисоб-китоб тулик якунланган тақдирда тугатилади.

## 10. ЯКУНИЙ КОИДАЛАР

10.1 Мазкур шартнома икки нусхада тузилади. Шартноманинг барча нусхалари тенг юридик кучга эгадир.

## 11. ТОМОНЛАРНИНГ МАНЗИЛИ В А БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ:

**«ИЖРОЧИ»**

«Наманган Дори-Дармон» АЖ
Наманган ш., У.Носир кучаси, 12 уй
тел 227-20-30 . 221-23-73
х/р 20210000700306609001
Миллий банк Наманган булими
МФО 00222; ОКОНХ 71150
СТИР 200046886

Бошкарув Раиси Р.Х.Косимов
(Ф.И.Ш)
(имзо)
М.У.

**«Буюртмачи»**

Буюртмачи номи: "NAMANGAN TUMAN TIBBIYOT BIRLASHMASI"
Манзили: Manzil: Namangan tumani Toshbuloq shaharchasi Nurafshon ko'chasi 4-uy. Tel: 8 369 47-21-235.
Тел/факс
шгх:
Ташкилотнинг СТИРи: INN: 200081852. OKONX 91511.
ИФУТ X/r:
O'zbekiston Respublikasi Moliya vazirligi G'aznachilik
(Газначилик булими номи)
G'azna x/r 2340 2000 3001 0000 1010
ЯҒХ 23 402 000 300 100 001 010
Банкнинг номи: Марказий банкининг Тошкент шахар Бош бошкармаси хисоб-китоб-касса маркази (ҲККМ)
МФО 00014
Газначилик булинмаси СТИР 201 122 919
Рахбар ______________
(лавозими) (Ф.И.Ш.)
(имзо)
М.У.

Изох:
*)- бюджетдан маблағ олувчининг газначилик булинмасида очилган тегишли шахсий хисобварағи (шахсий хисоб вараклари) курсатилади.
**)-бюджетдан маблағ олувчининг бюджетдан ташқари маблағлари буйича талаб килиб олингунча хисобвараги курсатилади.

Ушбу шартнома лойихаси Уз.Р. «Хужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тугрисида»ги конунининг 10, 24-34 моддалари ва Уз.Р.»Фукаролик кодекси»нинг 386-424 моддалари талабларига жавоб беради.
Хукукшунос ______

"NAMANGAN DORI-DARMON" aksiyadorlik jamiyati ва "Namangan tuman tibbiyot birlashmasi" ўртасидаги
тузилган 21.01.2022-йилдаги 21-сонли шартномага

ТТБ

1-илова

*Етказиб бериладиган дори-дармон лар нинг миқдори ва нархини*

# СПЕЦИФИКАЦИЯСИ

| № | Код | Дори-Дармонларнинг номи | Ул бирл | Миқдори | Нархи | Суммаси | НДС | | Етказиб бериш киймаси НДС билан | Ишлаб чикарувчи |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | | Ставка | Сумма | | |
| 1 | | Верзепам (диазепам) р-р 5мг/мл 2мл №10 | уп | 7,00 | 17 451,10 | 122 157,70 | Без НДС | | 122 157,70 | Verve Human Care |
| 2 | | Кетамин г/х 5% 2мл №5 | уп | 10,00 | 27 709,20 | 277 092,00 | Без НДС | | 277 092,00 | ФГУП "Московский эндокри |
| 3 | | Омнопон 2% 1,0мл (1,44+11,5+5,4+0,72+0,1мг) | амп | 50,00 | 8 480,36 | 424 018,00 | Без НДС | | 424 018,00 | ФГУП "Московский эндокри |
| 4 | | Спирт этиловый "люкс" (этанол) 96,32% | кг | 30,00 | 21 747,72 | 652 431,65 | 15% | 97 864,75 | 750 296,40 | "ANDIJON BIOKIMYO ZAVO |
| **Жами: Один миллион пятьсот семьдесят три тысячи пятьсот шестьдесят четыре сум 10 тийин.** | | | | | | **1 475 699,35** | | **97 864,75** | **1 573 564,10** | |

| Сотувчи: "NAMANGAN DORI-DARMON" AJ | Харидор: Namangan tuman tibbiyot birlashmasi |
|---|---|
| Манзил: Namangan viloyati, Namangan sh., U.Nosir ko'chasi, 12-uy<br>Телефон: 03692212373, факс: 03692212134<br>Хисоб ракам: 20210000700306609001<br>Банк: НАМАНГАН Ш., ТИФ МИЛЛИЙ БАНКИНИНГ НАМАНГАН БУЛИМИ<br>МФО: 00222<br>СТИР: 200046886 ОКЭД: 46460 | Манзил: Namangan viloyati, Namangan tumani, I.Raxmatov QFY, I.Raxmatov ko'chasi, 25-uy<br>Телефон: 694721235<br>Хисоб ракам: 100022860142120783100254001<br>Банк: ТОШКЕНТ Ш., МАРКАЗИЙ БАНКНИНГ ТОШКЕНТ ШАХАР ХИСОБ-<br>МФО: 00014<br>СТИР: 200081852 ОКЭД: 86100 |

Рахбар: ____________ (Имзо)
М.У.

Рахбар: ____________ (Имзо) Р.И.Темиров
М.У.

Электрон рақамли имзо орқали тасдиқланган, Ҳужжат коди: OU0865263326

# YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY XULOSA

**№ EZ66136762**

**1. Loyihaning turl.** SHartnoma

**2. Loyihaning nomi.**

Namangan tuman tibbiyot birlashmasi va Namangan Dori-Darmon AJ o`rtasida 1573654 so`mlik dori-darmon maxsulotlarni etkazib berish to`g`risida.

3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot.

SHartnoma loyihasi Namangan tuman tibbiyot birlashmasi tomonidan ishlab chiqilgan va markazga huquqiy ekspertizadan o'tkazish uchun 24.01.2022 yilda dasturga kiritilgan.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

**Markaz bosh yuriskonsulti** **B.To`raboev**
**2022 yil 24 yanvar.**

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI

YURIDIK SHAHSNI DAVLAT RO'YHATIDAN O'TKAZISH TO'G'RISIDA

# GUVOHNOMA

Reestr № 07402 — № 7402

2014 yil "09" sentabr

Mazkur guvohnoma "NAMANGAN DORI-DARMON" yuridik shaxsga berildi.

| | | |
|---|---|---|
| Tashkiliy-huquqiy shakli: | Aksiyadorlik jamiyati | THSHT (ОПФ) 1150 |
| Mulkchilik shakli: | Aksiyadorlar | MSHT (ФС) 144 |
| Davlat ro'yxatidan o'tgan kundagi pochta manzili: | Namangan shahar Usmon Nosir ko'chasi, 12-uy | MHBT (СОАТО) 1714401 |
| Yuridik shaxs kodi: | | KTUT (ОКПО) 02018441 |
| Asosiy faoliyat turi: | Ulgurji savdo | XXTUT (ОКОНХ) 71150 |
| Soliq to'lovchining identifikasiya raqami: | | STIR (ИНН) 200046886 |

Qo'shimcha ma'lumotlar: "NAMANGAN DORI-DARMON" OAJ negizida tashkil etilgan va uning huquqiy vorisi hisoblanadi.

Vakolatli organ boshlig'i: D.Abduqodirov

ASLIGA TO'G'RI

my.gov.uz
Ягона Интерактив
Давлат Хизматлари Портали

Фармацевтика тармогини
ривожлантириш агентлиги

№ 2871-645e-130b-e0e9-64a9-7590-3386
Ҳужжат яратилинган сана: 2020-01-06

Ҳужжат берилган: АО "NAMANGAN DORI-DARMON"
Қабул қилувчининг идентификация рақами: 200046886

**Серия: - №: -**

**Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги**
**Фармацевтика тармогини ривожлантириш агентлиги**

**Фармацевтика фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқига 15514 - сонли**
**ЛИЦЕНЗИЯ**

Ушбу лицензия "NAMANGAN DORI-DARMON" акциядорлик жамиятига дори воситалари ва тиббий буюмларни улгуржи реализация қилиш, ностерил дори воситаларини тайёрлашни амалга ошириш учун берилди.

**Жойлашган жойи (почта манзили):** Наманган вилояти, Наманган шаҳар, Усмон Носир кўчаси, 12 уй.

| | |
|---|---|
| **Солиқ тўловчининг идентификациялаш рақами (СТИР):** | 200046886 |
| **Лицензия берилган сана:** | 30-12-2019 йил |
| **Амал қилиш муддати:** | 30-12-2024 йил |
| **Лицензиянинг реестр бўйича тартиб рақами:** | 14094-19 |
| **Ваколатли шахс:** | С.Кариев |

ZUFAROVA GULNORA XAYRULLAYEVNA

Мазкур ҳужжат Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 15 сентябрдаги 728-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали тўғрисидаги низомга мувофиқ шакллантирилган электрон ҳужжатнинг нусхаси ҳисобланади. Электрон ҳужжатнинг нусхасида кўрсатилган маълумотлар тўғрилигини текшириш учун repo.gov.uz веб-сайтига ўтинг ва электрон ҳужжатнинг ноёб рақамини киритинг ёки мобил телефон ёрдамида QR-кодни сканер қилинг. Диққат! Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 15 сентябрдаги 728-сон қарорига мувофиқ электрон ҳужжатлардаги маълумотлар қонуний ҳисобланади. Давлат органларига Ягона порталда шакллантирилган электрон ҳужжатларнинг нусхаларини қабул қилишни рад этишлари қатъиян тақиқланган.

0475

ASLIGA TO'G'RI

ASLIGA TO'G'RI